




ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИМА АЁЛЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

халқаро илмий-амалий конференцияси
МАТЕРИАЛЛАР ТўПЛАМИ



ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ
ЮНЕСКО ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ТОШКЕНТ ШАҲАР ХОТИН-ҚИЗЛАР “ОЛИМА” АЁЛЛАР УЮШМАСИ
TADQIQOT.UZ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ ЖУРНАЛЛАР ПОРТАЛИ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИМА АЁЛЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

халқаро илмий-амалий конференцияси
(Тошкент, 2-3 март 2023 йил)
МАТЕРИАЛЛАР ТЎПЛАМИ



КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТАСИ

МАСЪУЛ МУҲАРРИР:

Исмоилова З.К. - педагогика фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)

Ўлжаева Ш.М. - тарих фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)

Джўраева Н.Д. - тарих фанлари номзоди, доцент (Тошкент, Ўзбекистон)

КОНФЕРЕНЦИЯ МУСАҲҲИҲИ ВА КООРДИНАТОРИ:

Базарова М.М. - (Тошкент, Ўзбекистон)

ДИЗАЙНЕР:

@TADQIQOTDESIGN

ИЛМИЙ МУҲАРРИР:

Ўлжаева Ш.М. - тарих фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)

Бабаджанова Н.А. - тарих фанлари номзоди, доцент (Тошкент, Ўзбекистон)

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ ВА АЪЗОЛАРИ:

Мамадаминова Б. - тарих фанлари номзоди, доцент (Тошкент, Ўзбекистон)

Толибоева Н.О. - PhD, доцент (Тошкент, Ўзбекистон)

Мирзахмедов Х.А. - PhD, в.б. доцент (Наманган, Ўзбекистон)

«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИМА АЁЛЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллар тўплами (Тошкент ш., 2-3 март 2023 йил) / масъул муҳ. Ismoilova Z.K., O'ljayeva Sh.M., Djurayeva N.D. - Тошкент: ТИҚХММИ-МТУ, 2023. – 324 б.



3. Muhammadjanov A. History of Uzbekistan. "Teacher". Т.; 2000 63-65 p.
4. M.M. Khairullaev. Cultural rise in Central Asia in the IX-XII centuries// Great figures, scholars 1 book, Т; 1995 6 p.
5. Barthold V.V. History of Turkestana // Barthold V.V. Sochinenia. Volume II. (ch. 1.). М.: 1963. 54 p.
6. Н. Karomatov from his lecture at the international scientific conference entitled "Teaching of Moturidiyya and its place in the culture of the peoples of the East". December 2, 1999 75 p.
7. Akhmedov B.A. The state of the Seljuks// Lessons from history. Т.: Science. 1994 400 b.
8. Ziyadov Sh. The Life and Legacy of Al-Moturidi. People's heritage publishing house named after A. Qadiri, Т; 2000 9 p.
9. Abduhalimov B. When was Bayt ul-hikma founded? Eastern torch. 2000 1-2 numbers. 61-65 p.
10. Ziyadov Sh.Yu. The written legacy of Abu Mansur al-Moturidi and his book "Kitab al-ta'wilot". Dissertation. Т.; 2003 18 p.
11. Abdurahim Erkaev "Spirituality" Book 1 Т; "Spirituality" 2018. 400 b.

Бахтигул Абдупатгаевна Мамадаминова,
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
мухандислари институти,
МТУ, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада юртимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларда аёлларнинг бевосита иштироки зарурлиги ва катта аҳамиятга эга эканлиги эътироф этилган. Жамият маънавий, ижтимоий-маиший муаммоларни ҳал қилишда хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, давлат томонидан моддий ва бошқа ёрдамлар кўрсатилиши билан бирга, уларнинг фаол бўлишлари учун шарт-шароит ҳамда имкониятларни янада такомиллаштириш масалалари ёритилган. Янгиланаётган Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларда хотин-қизлар фаоллиги масаласи билан боғлиқ долзарб муаммолар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: аёл, ҳуқуқ, аёллар ҳуқуқлари, гендер тенглик, фаол, янги Ўзбекистон, хотин-қизлар фаоллиги, ижтимоий, жамият, демократик ислохотлар.

Бугунги кунда диёримизда хотин-қизларга катта эътибор қаратилмоқда. Жамиятимизнинг турли соҳаларида уларнинг фаол иштирок этишлари учун барча шароитлар яратилмоқда. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга юксак эътибор берилмоқда. Бугунги кунда янги Ўзбекистонни янада ривожлантиришда турли соҳа ва тармоқларда хотин-қизларимиз ҳам фаолият олиб бормоқда. Мустақиллик йилларида хотин-қизлар фаолиятини қўллаб-қувватлашга доир кўплаб Президент фармонлари, қонунлар, қонун ости ҳужжатлари қабул қилиб келинмоқда. Ўзбекистон ўзгармоқда, янгиланмоқда, ёшармоқда. Одамларнинг кўз ўнгида янги Ўзбекистон намоён бўлмоқда. Ушбу ижобий ўзгаришларнинг асоси инсон манфаатлари йўлидаги саъй-ҳаракатлардир. Йиллар мобайнида атроф муҳитда юз бераётган ўзгаришларга пассив томошабин ёки истеъмолчи позициясида турганларнинг аксарияти эндиликда воқеаларнинг реал иштирокчиси бўлиб, ўзлари ҳам ўзгармоқда. Чунки демократик жамият фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигига асосланган. Янги Ўзбекистонда фаоллик, яратувчанлик



руҳида яшаш ҳар бир инсон учун ҳаёт тақозаси, ижтимоий заруратга айланди. Шу муносабат билан жамиятимизни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичдаги асосий вазифалари ва устувор йўналишларини аниқлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Хотин-қизлар мамлакатда содир бўлаётган ижтимоий ўзгаришларда, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда, халқ хўжалиги, илм-фан, маданият ва маърифат тизимининг барча соҳаларида ўзларининг ҳалол ва фидокорона меҳнатлари билан иштирок этмоқдалар. Давлат томонидан ўтган давр мобайнида хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, оилани мустаҳкамлаш, ёш авлодни баркамол, соғлом қилиб тарбиялаш учун тўлиқ шароит яратилди[1]. Айтиб ўтиш жоизки, ўтиш даврининг дастлабки мураккаб йилларида кечиктириб бўлмас муаммолардан бўлган кўп болали ва кам таъминланган оилаларни, хотин-қизлар, нафақахўрлар ва ногиронларни бозор иқтисодиёти муносабатлари даврида ижтимоий жихатдан манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қанча муҳим фармон ва қарорлар қабул қилинди[2] ва ҳукумат даражасидаги муҳим вазифа этиб белгиланди. “Шунинг учун ҳам мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, улар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитини яратиш бериш, қобилият ва салоҳиятини руёбга чиқариш масаласи юртимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шу асосда оналик ва болаликни ҳимоялаш, оила институтини қўллаб-қувватлаш, аёлларнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш борасида улкан ишлар амалга оширилди”[3].

Шу билан бирга бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида хотин-қизлар билан боғлиқ муаммолар ҳам кучайиб, долзарб тус олди ва хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий аҳволига таъсир қилмай қолмади. Жумладан, хотин-қизлар ўртасида ишсизликнинг кўпайиши, олий ва касбий таълим олиш салоҳиятининг тушиб кетиши, муҳим қарорлар қабул қилиш жараёнларида иштироки ва раҳбарлик лавозимларида аёлларнинг камайиб кетиши, айрим оилаларда патриархал муносабатлар тизимини қайта тиклашга уринишлар, демократия ғояларига ёт турли сохта диний оқимларнинг пайдо бўлиши каби муаммолар кўзга ташланиб қолди. Хусусан, бир иқтисодий тизимдан иккинчисига ўтиш мураккаб жараёндир. Демак, ижтимоий йўналиши ва соҳасидан қатъий назар, бозор тартиботини жорий этиш билан боғлиқ ҳар қандай ислоҳот кишилар манфаатларига дахлдор бўлиб, аҳоли турмуш даражасининг у ёки бу кўрсаткичлари ўзгаришига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтишнинг Ўзбекистон моделида кучли ижтимоий сиёсат асосий бўғин қилиб белгиланди. Бу эса бозор иқтисодига ўтиш пировард мақсад эмаслигини, балки барча иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ислоҳотлар инсон ҳаёти ва фаолияти учун муносиб шароитлар яратишга қаратилганлигини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 7 февраль куни қабул қилинган Фармон асосида 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди. Айтиш мумкинки, Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимизни беш йилга режалаштирилган ислоҳотлар тизимидир. Ҳаракатлар стратегияси давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга оширишга замин яратди. Ҳаракатлар стратегиясини ҳаётга жорий қилиш натижасида сўнги йилларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган нормаларни амалга ошириш ва ҳаётга татбиқ қилишнинг аниқ механизмларини мустаҳкамланди. Конституциянинг 46-моддасида[4] белгиланган хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлигини таъминлашга қаратилган 2019 йил 2 сентябрдаги “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-562-сонли Қонуни ва “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-561-сонли Қонуни қабул қилинди.

Президентнинг “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Ҳужжат



билан 2022-2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича миллий дастур тасдиқланди.

2022 йил 1 сентябрдан бошлаб хусусий корхоналар ва ташкилотларда охириги 6 ой давомида узлуксиз иш стажига эга бўлган аёлларга ҳар ой учун минимал истеъмол харажатлари миқдоридан келиб чиққан ҳолда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тўланадиган бўлди.

2022 йил 1 июндан бошлаб давлат ва нодавлат таълим муассасаларида давлат буюртмаси асосида хотин-қизларни касбга ўқитишнинг янги тартиби жорий этилди.

Шарққа хос жамиятни демократлаштириш кўп жиҳатдан оиладаги муносабатларга боғлиқ. Оилавий муносабатлардаги муаммоларни оилаларнинг энг обрўли ва кекса аъзолари (боболар, бувилар) томонидан муҳокама қилиш шаҳарларда сал камроқ, қишлоқларда-одатий ҳол ҳисобланади. Кўпинча муаммони ечишнинг ана шу усули оилавий масалалар бўйича расмий суд муҳокамасидан самаралироқдир.

Оилалардаги мавзу ҳаётни бекаму-кўст дейиш, эскидан қолган, аёллар ва болаларнинг кадр-қимматини камситувчи муносабатлар мавжудлигини, шунингдек турмуш тарзига қўра европалашган аҳоли қатлами ўртасида (фақат улар ўртасидагина эмас) оила ҳамиша ҳам барқарор эмаслигини инкор этиш хато бўлур эди. Сиёсий тизимнинг бошқа барча таркибий қисмларига қараганда, оила давлатга нисбатан анча барқарор ва мустақил муносабатда бўлади. Оила ва унинг ривожланаётган бозор муносабатлари шароитидаги иқтисодий ўзига тўқлиги, қариндош оилаларнинг бирдамлиги ва оилаларнинг жамоадаги (маҳалладаги) бирдамлиги-айнан шу нарса шаҳар, туман ҳокимига, депутатларга, сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларнинг қуйи ташкилотларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган кучли омиллар мажмуидир.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида оиланинг тутган ўрни муҳим ҳисобланади. Республикада аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг амалдаги тизими оилага, айниқса кўп болали оилаларга, соғлом оналикни асрашга аниқ йўналтирилиб, барча ўта муҳтож ва муҳтож оилаларни моддий қўллаб-қувватлашни қамраб олди. Ночор оилаларга пул нафақалари тайинлаш ва бериш борасидаги давлат ёрдами 1994 йил октябрь ойидан бошлаб маҳалла тизими орқали амалга оширилди. Бу маҳалланинг ўз ҳудудида яшайдиган аҳолининг ижтимоий муаммоларини ҳал қилишдаги тарихий ўрни, мақомини тиклаш ва фаолиятини кучайтириш борасидаги дастлабки чора-тадбирларидан бири бўлди. 1995 йилдан бошлаб ёппасига ижтимоий ҳимоя қилиш тизимидан ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг мақсадли ва аниқ йўналтирилган тусда бўлиши асосий принцип этиб белгиланган тазимга ўтиш ишлари амалга оширилди. Аҳолининг турмуш шароитлари ва даражасини барқарорлаштириш ҳамда аста-секин яхшилаб бориш вазифаларини ҳал этиш бу давр учун тобора хос бўла борди. Ўсиб келаётган қизлар, туғиш ёшидаги аёллар, болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ишларини такомиллаштиришга акушерлик ва гинекология, педиатрия илмий текшириш институтлари, тиббиёт олий ўқув юртлари соҳа кафедраларининг олимлари ва ходимлари жалб қилинди. Уларнинг тавсиялари асосида аёллар ва болалар ўртасида турли касалликлар даражасини ўрганиш ва соғломлаштиришнинг кенг қамровли дастурлари ишлаб чиқилди. Натижада республикада туғруқхоналар, болалар ва оналар тиббиёт муассасаларининг сони кўпайди, уларда хизмат кўрсатиш сифати яхшилана борди. 2020 йилдан ишсиз, боқувчиси бўлмаган, ёлғиз оналар ва хотин-қизлар билан манзилли ишлаш бўйича “Аёллар дафтари”ни маҳаллабай юритиш йўлга қўйилди. Ишсизлик ва камбағаллик даражаси юқори бўлган 136 та маҳаллада маҳалла гузарлари ва бошқа бўш турган жойларда касб-ҳунарга ўқитиш масканларини ташкил этилди.

Ҳар бир маҳаллада 3-5 нафардан жами 37 мингдан ортиқ хотин-қизларни ҳаётга руҳлантириш, сафарбар этиш (мотивация бериш) ва касбга ўргатиш, қисқа ўқув курсларига ўқитиш бўйича манзилли рўйхатлари шакллантирилди. Мазкур рўйхатлар асосида ҳозирги кунга қадар 3 минг 716 нафар хотин-қизлар турли йўналишлар бўйича қисқа муддатли ўқув курсларида ўқитилди.



Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов хотин-қизлар масаласига алоҳида тўхталиб: «Бутун маърифий дунёда хотин-қизлар манфаати деган алоҳида масала бор ва уни ўрганиш, ечимини топишга жуда катта аҳамият берилиши бежиз эмас. Агар аёлларга етарли эътибор берилмаса, бундай жамиятнинг келажаги бўлмайди»[5], деб таъкидлаган эди. Жамиятда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг муваффақияти аёлларнинг ушбу жараёнлардаги фаоллигига ҳам боғлиқ. Ҳозирги вақтда юртимизда давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 380 нафардан зиёд хотин-қизлар раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилмоқда.

Жамиятда, оилада хотин-қизлар билан боғлиқ ижтимоий масалаларни яхшилаш билан шуғулланадиган Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда унинг барча вилоятлардаги бўлинмалари, Олий Мажлиснинг «Меҳнат, ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси», «Оила ва аёллар муаммолари комиссияси» (2000-2004 й.), «Соғлом авлод» жамғармалари ва «Ҳуқуқшунос аёллар», «Илм-фан ва аёл», «Ижодкор аёллар», «Ташаббускор аёллар», «Аёл ва саломатлик», «Фахрий аёллар» жамоатчилиқ уюшмалари ҳамда бошқа жамоат ташкилотларининг фаолияти муҳимдир. Ҳозирги кунга келиб, аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларини илгари суриш ҳамда ривожлантириш бўйича миллий механизмлар, шунингдек, уларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг барча қатламидаги ролини кучайтириш бўйича миллий институтлар ташкил этилган. Бунинг тасдиғини аёлларнинг сиёсий партиялардаги фаоллиги 36 фоиздан 50 фоизгача ошганида кузатишимиз мумкин. Бугунги кунда аёлларимиз иқтисодиётнинг барча тармоқларида фаолият юритиб келмоқдалар. Жумладан, саноатда 52%, халқ таълими тизимида 70%, соғлиқни сақлаш тизимида эса 73% аёллар меҳнат қилмоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда, амалга оширилаётган демократик ислохотларда аёлларнинг бевосита иштироки катта аҳамиятга эга. Бунинг учун эса маънавий, ижтимоий-маиший муаммоларни ҳал қилишда хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, давлат томонидан моддий ва бошқа ёрдамлар кўрсатилиши билан бирга, уларнинг фаол бўлишлари учун шарт-шароит ва имкониятларни янада такомиллаштириш зарурдир. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мамлакатимизда амалга оширалаётган ислохотларнинг муҳим омили ҳисобланади. Зеро аёл – оила устун ва жамият кўрки.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Ижтимоий ҳимоя йили Давлат дастури тўғрисида // 2007 йил 24 январь Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. “Халқ сўзи” 2007 йил 24 январь.
2. Оналик ва болалиқни ҳимоя қилиш масалалари бўйича қонун ҳужжатлари тўплами / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси. – Т., 2004. – Б.656.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Том 1. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. 345-346 бетлар.
4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – Б.17.
5. Каримов И.А. Хотин-қизлар фаоллигини ошириш – давр талаби // Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. – Т.: “Ўзбекистон”, 2004. – Б.350.
6. Тихонова Н.Е. Гендерные аспекты влияния реформ 90-х годов в России на положение бедных городских домохозяйств. Гендерное равенство в России: законодательство, политика, практика. Материалы научно-экспертного семинара. Москва, 26 февраля 2003 года. — 11 с.
7. Заборин Н.В., Осадная О.Е. (ред.) Гендерные проблемы и развитие. Стимулирование развития через гендерное равенство в правах, в доступности ресурсов и возможности выражать свои интересы. Весь Мир, 2001. – XX + 386 с. — ISBN 5-7777-0153-1.
8. Кейзик Анна Сергеевна Гендерное неравенство на современном этапе развития общества // Символ науки. 2015. №7-2.
9. А.Авлоний, “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” Т, Ўқитувчи, 1992 й.11-б.